

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.01.2020.I.10.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГЛАЕВ УЧҚУН ХУРРАМОВИЧ**

**БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАЙТИРИШ  
ВА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

**08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти  
08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt848 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Эргашев Раҳматулла Хидирович,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Хошимов Ақром Абдиевич,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Юнусов Искандар Орифович,  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03./30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр кuni соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-31, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (199 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-31, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабр кuni тарқатилди.  
(2021 йил «15» декабр даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Н.С.Хушматов,  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов,  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., кат.и.х.

Н.С.Хушматов,  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг аксарият давлатларида балиқ ва денгиз маҳсулотлари аҳоли парhezининг муҳим унсурини ташкил этадиган энг кимматли ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларидан бири саналади. Аммо, турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида истиқболда дунё бўйича балиқ етиштириш ҳажми сезиларли даражада камайиши башорат қилинмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш шароитида ҳамда дунё аҳолисининг тез суръатларда кўпайиши, табиий ресурсларнинг тобора камайиб бориши, балиқчиликни бошқаришдаги муаммоли вазиятларни сақланиб қолиниши мамлакатларнинг балиқ маҳсулотига бўлган талабини фақатгина импорт қилиш йўли билан қондирилиш ҳолатини келтириб чиқаради. Шу боис, ривожланган мамлакатларда балиқчилик тармогини ривожлантиришда замонавий технологияларни қўллаш, замонавий бошқарув тизимининг мукамаллигига кенг эътибор қаратилмоқда.

Глобал табиий-иклим ўзгариши, пандемия сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатларининг кескин пасайиши, турли экологик инкирозлар ҳамда аҳолининг ўсишини ҳисобга оладиган бўлсак, озиқ-овқат танқислиги муаммосининг юзага келиши, экологик тоза сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичининг аҳоли талабига нисбатан камайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир қаторда балиқ маҳсулотларини етиштиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. ФАО маълумотиغا кўра: “хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши”<sup>1</sup> таъкидланган. Шу сабабли, балиқчиликда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экологик тоза, хавфсиз сифатли балиқ етиштиришни йўлга қўйиш, аҳолини тиббий меъёр бўйича балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш глобал кўламда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш борасида туб ислохотларни амалга оширди. Бунда қонун ҳамда қонун ости ҳужжатларнинг соҳа ривожини учун қабул қилиниши, кенг кўламли амалий ишларнинг олиб борилишига замин яратди. Аммо, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган жадал аграр-иктисодий ислохотлар шароитида мамлакатимизни тараққий эттириш ва аҳоли озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг бири сифатида балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва бошқариш устувор вазифага айланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...балиқ етиштиришни 150 минг тоннага етказиш мақсадида 215 миллиард сўмлик 280 та лойиҳа амалга оширилади, 1 минг 650 гектар сунъий сув хавзалари ташкил этилади”<sup>2</sup>. Шу боис, бугунги кунда балиқчилик тармогини ривожлантириш, тизимда инновацион технологияларни жорий этиш ва уларни

<sup>1</sup> FAO Sofia Report 2016 and Globefish Highligh October 2017; FAO Food Outlook June 2016, EUMOFA Monthly Highlights 4/2016. –p 72.

<sup>2</sup> Ш.М.Мирзиёев. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Халқ сўзи, 10.12.2017 й.

самарали бошқариш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 29 августдаги ПҚ-4816-сон “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация мавзуси республика фан ва технологиялар таракқиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти шароитида балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш, тизимни самарали бошқариш механизмининг такомиллаштириш, соҳани интенсив ва инновацион технологиялар асосида ривожлантириш муаммолари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари турли йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Жумладан, хорижий давлатлар олимлари: С.Анси, В.Т.Нгуйен, Ф.Беркис, Р.Махон, М.Соломон, Д.Вилсон, Р.Хилборн, П.Даниел, Ф.Райнер, Ф.Д.Жонстон, А.С.Томмас, С.Ҳаммерланд, К.Греер, Ж.Маттиас<sup>3</sup> балиқчиликни барқарор ривожлантириш ва бошқаришда МДҲ давлатлари олимларидан: Г.А.Волошин, С.И.Курдюков, А.К.Богерук, Дж.Бардач, Дж.Ритер,

---

<sup>3</sup> S.Ancy. Development of Safety and Quality Management System in Shrimp Farming. – Cochin University of Science and Technology, 2009. – 328 p.; V.T.Nguyen. The influences of shrimp farming and fishing practices on natural fish conservation in Can Gio, Ho Chi Minh City, Vietnam. University of Newcastle, – Australia.: 2008. – 327 p.; F.Berkes, R.Mahon and others. Managing Small-scale Fisheries Alternative Directions and Methods. – Canada.: 2001. – 321 p.; M.Solomon Fischereimanagement in Meeresschutzgebieten Haden und Optionen der Konfliktlösung – Hamburg.: 2013. – 204 p.; D.Wilson. Comparative Evaluations of Innovative Fisheries Management. – London.: 2009. – 293 p.; Ray Hilborn “Are Sustainable Fisheries Achievable” Chapter 15, – in Norse and Crowder. 2005. –247–259 pp.; P.Daniel und F.Rainer. Nachhaltiges Fischereimanagement – kann es das geben? – D. 2010. –27 p.; F.D. Johnston. Towards the sustainable management of recreational fisheries: accounting for diversity in angler behaviour and fish life history. – Humboldt-Universität zu Berlin.: 2014. – 199 p.; A.S.Thomas. Influences of fisher attitudes and behaviour on regulation non-compliance: A case study from the Marlborough Sounds, – New Zealand recreational blue cod fishery. Victoria University of Wellington. 2015. – 201 p.; C.Hammarlund. Fish and Trips in the Baltic Sea - Prices, Management and Labor Supply Lund University, – Sweden. 2015. – 153 p.; K.Greer. Considering the ‘effort factor’ in fisheries: a methodology for reconstructing global fishing effort and co 2 emissions, 1950-2010. – The University Of British Columbia. 2014. – 107 p.; M.Johannes. The effect of an integrated quality management system on a leading fish product manufacturer: a pre-implementation viability study University Of South Africa. 2013. – 175 p.

О.В.Кузнецова, Н.В.Алесина, Р.Р.Галулиния, Ж.М.Гордон, В.К.Киселёв, П.А.Душин, А.А.Тарасенко, В.С. Казанчева, Д.Ш.Якубова<sup>4</sup> ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган, ҳамда бу борадаги айрим масалалар мамлакатимиз аграр иқтисодчи олимларидан: Д.Р.Шохимардонов, С.С.Ғуломов, Р.Х.Эргашев, И.О.Юнусов<sup>5</sup> ва бошқа олимларнинг илмий асарларида қисман ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича методологик асослари алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги, бозор муносабатлари шаклланаётган даврда балиқ маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, омухта ем билан ишловчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган муаммолар ва тармоқнинг бошқаруви, ташкилий, таъминот масалаларининг тўла ўрганилмаганлиги тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш зарурлигини тақозо этади ҳамда тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ҚХ-А-ҚХ-2018-196 “Тошкент вилояти шароитида оқар сув ҳавзаларида Фарель балиғини боқиш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва бошқариш механизмларининг илмий-назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>4</sup> Г.А. Волошин. Регулирование устойчивого развития морского промышленного рыболовства в условиях реформирования экономики Российской Федерации. авт. дисс. к.э.н. 08.00.05, – Москва.: 2012. – 28 стр.; С.И.Курдюков. Формирование стратегии устойчивого развития рыбохозяйственного комплекса. авт. дисс. – Москва 2007. – 36 стр.; А.К.Богерук. Биологические и организационно-методические основы селекционно-племенного дела в рыбоводстве. – Москва.: 2000. – 334 стр.; Дж.Бардач, Дж.Ритер. Аквакультура. – М.: 1978. – 294 стр.; Кузнецова О.В. Управление формированием региональных кластеров рыбоводства. – Ижевск.: 2012. – 194 стр.; Алесина Н.В. Совершенствование структуры управления рыбохозяйственным комплексом на микроуровне (на примере пред- тий Керченского п-ва). авт. дисс. к.э.н. – М. 2001. – 20 стр.; Р.Р.Галулиния. Управление развитием регионального рынка рыбопродукции – Уфа.: 2009 – 180 стр.; Л.М.Гордон. Экономика, организация и планирование промышленного рыбоводства. – М. Пищевая промышленность, 1980. – 296 стр.; В.К. Киселев. Управление рыбным хозяйством России/ Рыбное хозяйство, 1994. №2. – 15-20 стр.; П.А. Душин. Формирование региональной стратегии развития товарного рыбоводства. – Санкт-Петербург. 2003. – 204 стр.; А.А.Тарасенко. Стратегическое управление инвестиционным процессом на предприятиях рыбного хозяйства. – Санкт-Петербург.: 2006. – 186 стр.; В.С.Казанчева. Организационно-экономический механизм повышения эффективности рыбоводства: на материалах Кабардино-Балкарской республики. – Налчик.: 2010. – 179 стр.; Д.Ш. Якубова. Формирование механизма устойчивого развития экономики рыбной отрасли. – Астрахан.: 2003. – 186 стр.

<sup>5</sup> Д.Р.Шохимардонов. Минтақаларда балиқчиликни ривожлантириш. – Т.: 2010 – 82 б.; С.С.Ғуломов. Менежмент асослари. – Т.: 2012. – 288 б.; Р.Х.Эргашев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик – Т.: Молия-иқтисод. 2018. – 394 б.; И.О.Юнусов. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. авт. дисс. и.ф.н. – Тошкент.: 2019. – 30 б.

балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва самарали бошқаришни такомиллаштиришнинг илмий-назарий жихатларини асослаш;

соҳани самарали бошқариш ва барқарор ривожлантириш жараёнида мониторинг қилиш, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳамда ҳисоблаш усулларини асослаш;

интенсив ва инновацион технологияларни балиқчилик соҳасида жорий этиш натижасида эришиладиган иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг амалдаги усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ва самарали бошқарувни бозор тамойилларига мослаш йўналишларини аниқлаш;

истикболдаги замонавий балиқчилик хўжаликларини бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар бериш;

балиқчилик хўжаликларини бошқариш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган 2025 йилгача мўлжалланган прогноз параметрларини ишлаб чиқиш;

балиқчилик хўжаликларини самарали бошқариш ва унинг самарадорлигини ошириш тадбирларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республика ҳамда Қашқадарё вилоятида балиқчилик соҳасида фаолият юритаётган турли даражадаги хўжаликлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва бошқариш механизминини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, иқтисодий таҳлил қилиш, монографик кузатув, анкета-сўров, SWOT-таҳлил, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

“балиқчиликни барқарор ривожлантириш”, “балиқчилик менежменти” ва “биобалиқ маҳсулоти” тушунчаларининг иқтисодий мазмуни балиқчилик хўжаликларининг ташкилий асослари, иқтисодий ҳолати ҳамда уларнинг амалга ошириш воситалари ва объектларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

бозор талабига мувофиқ товар балиқ етиштиришда табиий ва сунъий озуқа меъёрини эътиборга олган ҳолда балиқларнинг кунлик ўсишини “самарали” (100-90), “ўртача самарали” (89-70), “самарасиз” (69-60) мезонлари асосида баҳолаш бўйича услубий ёндошув таклиф этилган;

“Намуна балиқчилиги кластер” МЧЖ, соф зотли балиқлар, ота-она балиқлар, элита-рекорд, элита-класс балиқлар, лечинка ҳамда омухта ем ишлаб чиқариш ва етказиб беришга мўлжалланган наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжалиги ва наслчиликка ихтисослашган балиқчилик заводининг истикболдаги бошқарув тузилмаси ишлаб чиқилган;

тармоқ ривожига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда балиқ

чавокларини етиштириш ҳажмини оширишга қаратилган 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

балиқчилик тармогининг Қашқадарё вилоятидаги ҳозирги ҳолатига баҳо берилиб, мазкур соҳани ривожлантириш ва бошқаришнинг объектив зарурлиги асосланган;

балиқчилик хўжаликларида замонавий бошқарувни йўлга қўйиш асосида наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжаликларини янгича бошқарув механизми таклиф қилинган;

балиқчилик хўжаликларини бошқаришда самарадорликни белгиловчи натижавийлик билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

бошқарувда маркетинг хизматини йўлга қўйиш маҳсулотлар исрофгарчилигини камайтириши мумкинлиги асосланган;

Қашқадарё вилояти балиқчилик хўжаликлари ривожланишига ва бошқаришга таъсир этувчи ички-ташқи ва ижобий-салбий омилларни ҳисобга олган ҳолда SWOT-таҳлил амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, балиқчилик тармогининг ўзига хос хусусиятларини ақс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, ишда умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилганлиги, хулосада келтирилган таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, уларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти балиқчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимини ташкил этишни баҳолаш, соҳани ривожлантириш ва самарали бошқаришни такомиллаштиришга оид илмий хулосалардан иқтисодиёт соҳалари ва менежмент йўналишида бажариладиган ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида балиқчилик хўжаликларини самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан услубий ва амалий йўналишдаги соҳага оид истиқболли режа ва дастурларни тайёрлаш; “Балиқчилик иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” каби фанларидан дарслик, ўқув кўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва бошқарув механизмларининг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

балиқчилик соҳасига “балиқчиликни барқарор ривожлантириш”, “балиқчилик менежменти”, “биобалиқ маҳсулоти” тушунчаларига иқтисодий

такомиллаштирилган таклифидан балиқчилик хўжалиklarини ташкил этиш бошқарув тузилмасини инновацион ривожлантиришни илмий, назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришга оид масалалар 5410600 – Зоотехния (балиқчилик) таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Балиқчилик иқтисодиёти” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-256 рўйхат рақами). Натижада балиқчилик хўжалиklarининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини кенгроқ тушуниш орқали уни инновацион ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилишга эришилган;

бозор талабига мувофиқ товар балиқ етиштиришда табиий ва сунъий озука меъёрини эътиборга олган ҳолда балиқларнинг кунлик ўсишини “самарали” (100-90), “ўртача самарали” (89-70), “самарасиз” (69-60) мезонлари асосида баҳолаш бўйича услубий ёндошуви Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг тизим ташкилотлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 02/23-731 сон маълумотномаси). Натижада хўжалиklar фаолиятини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва соҳанинг барқарорлашуви таъминланган;

“Намуна балиқчилиги кластер” МЧЖ, соф зотли балиқлар, ота-она балиқлар, элита-рекорд, элита-класс балиқлар, лечинка ҳамда омукта-ем ишлаб чиқариш ва етказиб беришга мўлжалланган наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжалиги ва наслчиликка ихтисослашган балиқчилик заводининг истиқболдаги бошқарув тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг тизим ташкилотлари амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 02/23-731 сон маълумотномаси). Натижада балиқчилик хўжалиklarида бошқарувни тўғри ташкил этилиши негизда 1 га сув ҳавзасидан интенсив усулда анъанавий усулга нисбатан балиқ етиштиришдан 619 млн.сўм соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 182,7 фоизга кўпайишига эришилган;

тармоқ ривожига ва бошқарув тизимига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва бошқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган истиқболдаги 2025 йилга мўлжалланган мақсадли прогноз параметрларидан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 02/23-731-сон маълумотномаси). Натижада республика бўйича балиқ етиштириш ҳажми 2025 йилда 2019 йилга нисбатан 1,3 баробарга ортиши башорат қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси



бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ўз ичига 26 та жадвал, 24 та расмни олган. Умумий ҳажми 163 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Балиқчилик хўжалиklarини барқарор ривожлантириш ва бошқаришнинг илмий-амалий асослари”** деб номланган биринчи бобида балиқчилик хўжалиklarини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари, балиқчилик хўжалиklarини бошқариш механизмининг ҳуқуқий назарий жиҳатлари ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари ёритилган.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги тушунчаларнинг такомиллашган муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

**Балиқчиликни барқарор ривожлантириш** – бу иқлим ўзгариши шароитида мавжуд абиотик, биотик ва антропоген омилларни ҳисобга олиб, аҳолини балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, балиқ етиштириш ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришини таъминлаш ҳамда соҳада харажатлар тежалиб балиқчилик соҳасининг даромадларининг кўпайиши ва фойданинг йиллар кетма-кетлигида ошиб боришидир.

**Балиқчилик менежменти** – бу балиқчилик хўжалиklarини ташкил этиш, замонавий бошқарув усуллари кўллаш ҳамда хўжалик фаолиятини самарали юритишда мустақил қарорлар қабул қилиш фаолиятидир.

**Биобалиқ маҳсулоти** – бу ҳеч қандай кимёвий воситаларсиз табиий усулда етиштирилган балиқ, яъни табиийлик даражаси 97-98 % бўлган балиқ маҳсулотларидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, балиқчилик хўжалиklarининг иқтисодий кўрсаткичлари ва самарадорлигини оширишда муҳим омилларни ҳисобга олиб, бошқарувни ҳам тўғри йўлга қўйиш талаб этилади.

Энг муҳими, ҳозирги пайтда барча кўрсаткичлар амалий маълумотлар асосида аниқланадиган, балиқчилик хўжалиklари фаолиятини таҳлил қилганда ўрганадиган ва самарадорликни оширишга қаратилган бошқарув қарорларини

кабул килишда фойдаланиладиган бўлиши лозим.

Шу билан бир каторда балиқчилик хўжаликларида ҳар бир харажатнинг тўлиқ ҳисобга олиниши, барқарор ривожлантиришни таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этишда, 1 га майдонда балиқ етиштириш ҳажмини асосий мезонлар асосида ҳисобланиши хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олиган ҳолда балиқларнинг кунлик ўсиши шкаласини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин<sup>6</sup>.

$$Вку = \frac{N_u - N_b}{T} * 100$$

Бу ерда:

$N_u$  – ўртача балиқ оғирлиги;

$N_b$  – бошланғич балиқ оғирлиги;

$T$  – ўсиш даври давомийлиги (кун);

Балиқларнинг нисбий ўсишини ҳисоблаш учун: ўртача балиқ оғирлиги бошланғич балиқ оғирлигидан айирilib, натижа ўсиш давомийлигига бўлинади. Бунда балиқларнинг ўсиш кўрсаткичи кунлар кесимида 100 баллик мезонда баҳоланса, балиқ етиштириш тўғри йўлга қўйилганини билдиради. Яъни, 30 кунда ўртача балиқ оғирлиги 350 гр, бошланғич балиқ оғирлиги эса 300 гр ташкил этган. Агар юқоридаги формула асосида ҳисоблайдиган бўлсак  $350-300/30*100=166$  беради. Бу формуладан фойдаланишда балиқ зоти, омукта ем базаси, сувнинг сифати муҳим рол ўйнайди. Шу туфайли келтириб ўтилган кўрсаткичларнинг аниқланиш йўллари ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш учун тегишли тадбирларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Диссертациянинг “**Балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва бошқарув механизмининг ҳозирги ҳолати**” деб номланган иккинчи бобда балиқчилик маҳсулотлари етиштириш, унинг иқтисодий самарадорлиги динамикаси, балиқчилик хўжаликлари бошқарув фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантириш ҳамда бошқаришда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ҳамда балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда комплекс тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Балиқчиликни ривожлантириш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ҳамда интенсив усулларда (кафасларда, ёпиқ сув айланиш тизимида, кичик интенсив ҳавзаларда) балиқларни кўпайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга комплекс ёндашувни аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий вазифаларидан ҳисоблаш мумкин.

Балиқчилик хўжаликларини Қашқадарё вилояти бўйича таҳлиliga кўра, бугунги кунда вилоятда 300 га яқин балиқчилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, 2019 йилда сунбий ҳавзаларнинг ўзида 2432,3 тоннага яқин балиқ маҳсулотлари етиштирилди Қашқадарё вилоятида йилдан-йилга балиқ ва балиқ

<sup>6</sup> Муаллиф тадқиқоти асосида ишлаб чиқилган.

махсулотлари йилдан етиштириш ҳажмининг ошиб боришини соҳага янги интенсив технологияларнинг кириб келиши билан изоҳлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.


**Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги “Намуна балиқчилиги кластер” МЧЖ балиқчилик хўжалигида 1 га сув ҳавзасидан балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари<sup>7</sup>**

	Харажатларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Балиқ етиштириш		Фарқи +,-
			Анъанавий усулда	Интенсив усулда	
1.	Иш ҳақи харажатлари	минг сўм	7500	11500	4000
2.	Балиқ чавок харажати (сотиб олиш)	минг сўм	4200	8400	4200
3.	Озука харажати	минг сўм	12900	39840	26940
4.	Электр энергия харажатлари	минг сўм	57	1500	1443
5.	Амортизация	минг сўм	150	350	200
6.	Транспорт харажатлари	минг сўм	100	500	400
7.	Сувни филтрловчи ускуна	минг сўм	-	200000	200000
8.	Ветеринария хизмати	минг сўм	150	600	450
9.	1 га сув ҳавза майдонига қўшимча харажатлар	минг сўм	170	3000	2830
10.	Жами харажатлар	минг сўм	25227	265690	240463
11.	Давр харажатлари	минг сўм	125	450	325
12.	Маркетинг ва модернизация	минг сўм	225	500	275
13.	<b>Умумий харажатлар</b>	минг сўм	<b>25577</b>	<b>266640</b>	<b>241063</b>
14.	1 га майдондан балиқ маҳсулдорлиги	т/га	2,2	50	47,8
15.	Ялпи маҳсулот қиймати (1 кг 18000 сўмдан олинса)	минг сўм	39600	900000	860400
16.	1 га сув ҳавза майдондан олинган фойда	минг сўм	14023	633360	619337
17.	<b>Рентабеллик</b>	<b>%</b>	<b>54,8</b>	<b>237,5</b>	<b>182,7</b>

Жадвал маълумотларига кўра, анъанавий ва интенсив усулда балиқ етиштириш харажатлари ҳисоблаб чиқилганда, 1 га сув ҳавзаси майдонидан анъанавий усулдан 14 млн. сўм даромад килиниб, рентабеллик даражаси 54,6 фоизни, интенсив усулда эса 633 млн.сўм соф даромад килиниб рентабеллик кўрсаткичи 237,5 фоизни ташкил этди. Интенсив усулда балиқ етиштириш бугунги кунда хўжалик даромадини оширишга хизмат қилиши билан бир қаторда, аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

Таҳлилларга кўра, Қарши тумани “Намуна балиқчилиги кластер” МЧЖ нинг фаолиятини тубдан яхшилаш бошқарув тузилмасида раҳбарнинг назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда балиқчиликни янада ривожлантириш ва бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган бўлиши муҳимлигини кўрсатади (1-расм).

<sup>7</sup> Муаллиф тадқиқоти асосида ишлаб чиқилган.



**1-расм. Қарши тумани “Намуна балиқчилиги кластер” МЧЖнинг таклиф этилаётган бошқарув тузилмаси<sup>8</sup>**

Таклиф этилаётган бошқарув тузилмаси Қарши тумани “Намуна балиқчилиги кластер” МЧЖ фаолиятининг тубдан ўзгариши ҳамда маҳсулот сотиш бўйича бозорни хўжаликнинг ўзи танлаши ва шартномаларни маҳсулот турлари бўйича тузиш имкониятини яратади.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжаликларини ҳамда наслчиликка ихтисослашган балиқчилик заводининг бошқарув тузилмаси тавсия этилди (2 расм).

Тавсия этилаётган наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжалигининг бошқарув тузилмасининг афзаллик томони шундаки, **биринчидан**, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик томонидан ўз бошқарув тузилмасидан келиб чиқиб, аниқ мақсад белгилаб олинган бўлади; **иккинчидан**, мавжуд балиқчилик хўжаликларига соф зотли балиқлар, ота-она балиқлар, элита-рекорд, элита-класс балиқлар, лечинка ҳамда омукта ем етказиб бериш билан шуғуллана олади; **учинчидан**, хўжаликда тансиқ (фарель, осётра, карп) балиқларни етиштиришни амалга ошириш мумкин; **тўртинчидан**, хўжаликда балиқ маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш имконияти мавжудлиги, сохага кадрлар талаби ҳам ортиб боради.

Тавсия этилаётган наслчиликка ихтисослашган балиқчилик заводи балиқларнинг маълум бир турини такомиллаштиришга ихтисослашган олий тоифадаги наслчилик хўжалиги бўлиб, балиқ турлари билан узок вақт давомида селекция иши олиб борадиган асосий хўжалик ҳисобланади. Ҳар қайси наслчилик заводида ота-она балиқлар, элита-рекорд, элита-класс балиқлар талабларига жавоб берадиган соф зотли, сермаҳсул балиқлар ва тансиқ (фарель, осётра, карп) балиқлар бўлишини таъминлаш лозим. Ушбу заводларда наслчилик ишлари 5-10 йил ва ундан ҳам ортик муддатга мўлжаллаб тузиладиган истиқболли селекция-наслчилик иши режаси асосида олиб борилади. Унинг асосий вазифаси танланган балиқ турининг маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш, шунингдек, наслчилик хўжаликларига наслдор ва зотли балиқларни етиштириш ҳамда хўжаликлардан қабул қилинган балиқларни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиш ҳисобланади (3-расм).

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмаси.



**2-расм. Наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжалиги бошқарувининг тавсия этилаётган тузилмаси<sup>9</sup>**

<sup>9</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.



3-расм. Наслчиликка ихтисослашган балиқчилик заводи бошқарувининг тавсия этилаётган тузилмаси<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Наслчиликка ихтисослашган балиқчилик заводи ҳамда хўжаликлари ҳамкорликда ягона селекцион дастур асосида маълум бир турдаги баликларни етиштириб кўпайтиради, уларнинг тип ва тизимларини такомиллаштиради.

Шунингдек, бу наслчилик заводлари ўз баликларини оддий наслчилик хўжаликларига, деҳқон (фермер) ва МЧЖ хўжаликларига етказиб беради. Бу ўз навбатида, балиқчилик хўжаликларининг балиқ маҳсулдорлигининг ошишига ва юқори иқтисодий самарадорликка эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот жараёнида Қашқадарё вилоятидаги балиқчилик хўжаликлари ўрганилганда, қуйидаги хулосаларга келинди:

- балиқчилик хўжаликларида етиштирилган балиқ маҳсулотларининг товарлилик даражасини ошириш;

- балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказишдаги муаммоларни бартараф этиш, бунда, асосан, бозорни топиш, маҳсулот исрофгарчилигининг олдини олиш;

- балиқчилик хўжаликларида етиштирилган балиқ маҳсулотларини аҳоли гавжум жойлар, бозорларга сифатли етказиш учун логистик транспорт тизимини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш;

- балиқчилик хўжаликларини бошқаришда замонавий бошқарув тузилмасидан фойдаланиш;

- хўжаликларни бошқаришда инновацион тизимдан фойдаланиш;

- балиқчилик хўжаликларининг ривожланиши ва самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, хўжаликнинг SWOT-таҳлилининг амалга ошириш лозим бўлади.

Тадқиқот давомида Қашқадарё вилояти балиқчилик хўжаликлари мутахассислари ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 212 та респондентнинг балиқчилик хўжаликлари бошқаруви ва омукта ем, минерал ўғит билан таъминланиш ҳолатидаги мавжуд муаммолар бўйича фикрлари таҳлил қилинди. Шунга кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

Сўровнома таҳлилларига кўра, асосий муаммо бошқарув, омукта ем, минерал ўғит таъминоти билан боғлиқ бўлиб, 97 та респондент омукта ем (46%), 65 таси минерал ўғит етишмовчилигида (31%), 50 та респондент эса бошқарувдаги муаммолар (23%)ни қайд этишган. Балиқчилик хўжаликларига асосий зарур маҳсулот бўлган омукта емни етказиб бериш ҳақиқатдан ҳам қийин эканлиги, мавжудларининг ҳам нархи қиммат эканлиги боис сўровномада кўпчилик шу муаммони биринчи ўринга қўйган. Сўровнома натижалари қиёсий таҳлил қилинганда, омукта емни ўзида ишлаб чиқарадиган балиқчилик хўжаликларида бундай муаммо кузатилмаган.

Шунингдек, балиқчиликни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар таҳлил этилиб, улардан қуйидаги аҳамиятли жиҳатларини республикада жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Балиқчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларининг маълум бир қисмини коплаш учун субсидияларнинг жорий этилиши фойда бериши мумкинлиги (Қозоғистон тажрибаси);

балиқ турларини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида хорижий мутахассисларни кенгрок жалб этиб, ўқув семинар-тренинглар ташкил этиш;

интенсив технологиялар (кафас, ёпик сув айланиш тизими)ни жорий этиш орқали балиқ етиштиришни кўпайтириш.

Диссертациянинг **“Балиқчилик хўжалиklarини барқарор ривожлантириш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобда балиқчилик тизимида барқарор ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқарув механизмини бозор тамойилларига мослаш йўллари, балиқчилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш тизимини ташкил этишни такомиллаштириш ва балиқчилик хўжалиklarини барқарор ривожлантиришни иқтисодий дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Янги замонавий технологиялар асосида юқори даражада маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмларини ошириш, даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш; балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳсулотларни сақлаш тартибини қўллаган ҳолда режалаштириш балиқчиликни модернизациялашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Қашқадарё вилоятида балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар вилоятнинг турли ҳудудларига тўғри келади. Ушбу корхоналарнинг афзаллик томони шундаки, уларнинг барчаси аҳоли яшайдиган манзилгоҳларга яқин ва шуни ҳисобга олиб, маҳсулотни реализация қилиш билан боглик муаммолар деярли кузатилмаган. Сабаби, шаҳардаги 90 % савдо мажмуалари, супермаркетлар, минимаркетлар, бозор расталари терминаллар билан таъминланган ва аҳоли учун сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ушбу савдо марказлари ўз вақтида балиқчилик хўжалиklари етиштирган маҳсулотлари билан биргаликда уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Шу боис, ушбу вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– балиқчилик хўжалиklarини ҳуқуқий, иқтисодий ва маркетинг ахборотлари билан таъминлайдиган, уларни хўжалик юриштининг замонавий қоида ва усулларига ўргатадиган махсус хизматлар ташкил этиш;

– илгор агротехнология ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти масалалари бўйича балиқчилик хўжалиklари бошлиklarининг малакасини ошириш ва касбга ўқитиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тизимлар ишини янада жонлантириш;

– балиқчилик хўжалиklари манфаатини кондириш мақсадида уларда етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун қулайликлар яратиш ва балиқчилик соҳасини замонавий савдо ускуналари ва омборхоналар, терминаллар билан жиҳозлаш ишларини жадаллаштириш;



- балиқчиликда иктисодий кўрсаткичларни оширишга эришиш;
- балиқчилик хўжалигини ривожлантиришнинг ҳам интенсив, ҳам экстенсив ривожлантириш йўллариини излаб топиш;
- шунингдек, қайта ишлаб чиқаришни балиқчилик хўжалиги негизда ташкил этиш;
- балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва даромадини оширишга қаратилган ички ва чет эл инвестицияларини киритиш;
- балиқчилик хўжаликлари таркибида инфратузилмани ривожлантириш;
- балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш учун микрокредитлар беришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Балиқчиликни ривожлантиришда барча йўналишларни бирдек йўлга қўйиш муҳим ҳисобланибгина қолмай, интенсив технологияларни жорий этиш хўжаликларнинг ривожланишига имкон беради. Ҳар бир интенсив ва инновацион жараёнларнинг боғлиқ қисмини йўлга қўйиш, назорат остига олиш балиқчиликнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Балиқчилик соҳасини жойлаштириш меҳнатнинг ижтимоий бўлиниши, географик (худудий) бўлиниши, мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир шаклини тўлиқ ўрганиш асосида ишлаб чиқаршининг ўзига хос хусусиятлари юзага келади. Умумий кўринишда балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришни худудлар бўйича маълум принциплар асосида ва қатор омиллар таъсирида шаклланган табиат, ижтимоий, демографик, сиёсий шароитларга кўра тақсимланишини кўрсатади. Биз томонимиздан табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтиришнинг эконометрик модели тузилди. Натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар қуйидагича белгилаб олинди (2-жадвал).

